

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 10
OCTOBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 10 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-10>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишоневич

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Содиржонов Мухриддин Махамадаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллович

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУМАЕВА Дилнавоз Панжи қизи

Банк - молия академияси

магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10052756>

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон республикасида ва жаҳонда пенсия таъминоти муаммоларини ҳал этишнинг ҳозирги босқичида пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жарёнларини ўрганилиб, пенсия таъминоти, хусусан, ёшга доир пенсиянинг ўзига хос хусусиятлари, ёшга доир пенсия соҳасидаги муаммолар, дилеммалар, вазиятлар ўрганилиб, ёшга доир пенсия олувчи пенсионерларнинг сони, қиёсий таҳлили, келажакда пенсия таъминоти тизимини мувофиқлаштирувчи омиллар таҳлили, пенсия тизими харажатлари, пенсия тизимининг самарадорлигини "қоплаш коэффициенти" ва "боғлиқлик коэффициенти" таҳлили, қисман пенсия таъминотидаги хорижий тенденциялар, дунё мамлакатларидаги аҳоли қариши кўрсаткичларининг йил сайин ўсиб бориши, бу муаммонинг дунё пенсия тизимида таъсири ўрганилиб, баён қилинган.

Калит сўзлар: пенсия ёши, фаол кексалик, ижтимоий сиёсат йўналишлари, ёшга доир пенсия, ўртача умр кўриш ёши, пенсиянинг "қоплаш коэффициенти", пенсиянинг "боғлиқлик коэффициенти", инсон капитали, пенсия юки, йўқотилган даромадлар компенсацияси.

IN THE CONTEXT OF PENSION PROVISION REFORM AGE PENSION PROSPECTS

ANNOTATION

In this article, at the current stage of solving the problems of pension provision in the Republic of Uzbekistan and in the world, the processes of improving the pension system and its legal foundations are studied, the specific features of pension provision, in particular, age-related pension, problematic and dilemmatic situations in the field of age-related pension are studied, and pensioners receiving age-related pensions are studied. number, comparative analysis, analysis of the factors coordinating the pension system in the future, pension system costs, "coverage coefficient" and "dependency coefficient" analysis of the effectiveness of the pension system, foreign trends in partial pension provision, year-by-year growth of population aging indicators in the countries of the world, the problem of this problem in the world the impact on the pension system is studied and explained.

Key words: retirement age, active old age, social policy directions, old-age pension, life expectancy, "coupling ratio" of pension, "coupling ratio" of pension, human capital, no pension, compensation of lost earnings.

В КОНТЕКСТЕ РЕФОРМЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПЕРСПЕКТИВЫ ВЫХОДА НА ПЕНСИЮ ПО ВОЗРАСТУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на современном этапе решения проблем пенсионного обеспечения в Республике Узбекистан и в мире изучаются пути совершенствования пенсионной системы и ее правовые основы, пенсионное обеспечение, в частности, особенности пенсионного обеспечения. пенсия по возрасту, изучены проблемные и дилеммические ситуации в сфере пенсии по возрасту, пенсионеры, получающие номер пенсии по возрасту, сравнительный анализ, анализ факторов, координирующих пенсионную систему в будущем, расходы пенсионной системы, анализ эффективности пенсионной системы, Изучены и объяснены «коэффициент умножения» и «коэффициент зависимости», зарубежные тенденции частичного пенсионного обеспечения, ежегодный рост показателей численности населения в странах мира, эта проблема имеет глобальный характер, влияние на пенсионную систему.

Ключевые слова: пенсионный возраст, активная старость, направления социальной политики, пенсия по старости, ожидаемая продолжительность жизни, «коэффициент сопряжения» пенсии, «коэффициент сопряжения» пенсии, человеческий капитал, отсутствие пенсии, компенсация утраченного заработка.

Мамлакатимизда сўнги йилларда давлат ижтимоий сиёсатини белгилашда жамиятнинг заиф қатлами, жумладан, қариялар, боқувчисини йўқотган оилалар манфаатини устун қўйиш, камбағалликни қисқартириш масалалари катта аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда пенсия таъминоти соҳасидаги янгиликлар, пенсияни тайинлаш, пенсионерларга етказиш борасидаги қулайликларни эътироф этиш ўринлидир. Мамлакат ижтимоий сиёсатида айнан ёшга доир пенсиянинг механизмлари пухта йўлга қўйилиши ва унинг ҳар борада мувофиқлаштирилиши муҳимдир, шу нуқтаи назардан ёшга доир пенсия истиқболлари долзарб аҳамият касб этади ва шу сабабдан мақола мавзуси сифатида танланди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикаси ёшга доир пенсия муносабатларини ўрганиш асосида ушбу тизимнинг афзаллик ва камчилик жиҳатларини аниқлаш, пенсия таъминотидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, улардан мамлакатимизнинг ижтимоий соҳасини истиқболда ривожлантириш имкониятларини комплекс тадқиқ этиш ва Ўзбекистонда ёшга доир пенсия муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф - тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг олдида қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий соҳанинг асосий қисми ҳисобланган ёшга доир пенсиянинг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Ўзбекистондаги пенсия таъминоти амалиётини таҳлил қилиш ва давлат томонидан пенсия таъминоти тизимида қаратилаётган эътиборни аниқлаш;
- жаҳон мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ёшга доир пенсиянинг аҳамиятини ўрганиш;
- ҳозирги шароитда пенсия таъминотининг долзарб масалаларини ўрганиш асосида тегишли ҳулосаларни шакллантириш, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни назарий жиҳатдан асослаб бериш.

Мазкур мақолада ёшга доир пенсиянинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бориши жараёнида барқарор ривожланиши масалалари, дунёдаги пенсия ислохотлари ёритилган бўлиб, илмий тадқиқотда аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнига очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилинди.

Сўнгги олти йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон кадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда инсон капиталини ривожлантириш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида 2022-2026- йилларга мўлжалланган.

Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул қилинган. Унинг айнан 54- мақсади пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб бориши, халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ кўп босқичли ва давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш, шу орқали ижтимоий сиёсат йўналишини толерант олиб борган ҳолда, фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилмасдан идоралараро электрон маълумот алмашинуви асосида пенсия тайинлаш тизимига ўтиш белгиланган (ПФ-60, 2022)

Асосий қомусимиз бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституциясининг 46- моддасида эса ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгалиги, қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. (Ўз.Р. Қ-837, 2023).

Ҳаммамизга маълумки, пенсия - уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, Ўзбекистон республикасида ҳозирда 3 хил пенсия тури мавжуд, булар: ёшга доир пенсия, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва ногиронлик пенсияси.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда пенсия ва нафақа олувчилар сони сал кам 4 ярим миллионни ташкил этмоқда [1].

Меҳнат фаолиятини якунлаган ҳар бир инсонни, энг аввало, унга қанча пенсия тайинланиши ўйлантиради. Умуман, ижтимоий таъминотнинг мазкур тури ишлаётган ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Республикамиз қонунчилигига кўра эркаклар 60 ёшда 25 йил иш стажи б.н аёллар эса 55 ёшга тўлганларида, 20 йиллик иш стажига эга бўлсалар, уларга ёшга доир пенсия тайинланади.

Агар фуқаро бир вақтнинг ўзида бошқа пенсия турларини олишга ҳам лаёқатли бўлса унинг ўзи танлаган 1 пенсия тури тайинланади.

Ёшга доир пенсияга чиқиш учун фуқаро энг камида 7 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим. Муддатидан олдин пенсия ишсиз деб топилган фуқароларга тайинланади. Пенсия тайинлаш учун пенсия жамғармалари бўлимларига мурожаат қилинади, ишловчи фуқаролар эса ташкилот маъмурияти орқали пенсияга чиқишади [2].

Ўз навбатида, пенсия тизими харажатлари умумий кўринишда пенсия тўланмалари ва маъмурий бошқарув харажатларидан ташкил топади. Халқаро амалиётда пенсия тизимининг самарадорлигини "қоплаш коэффиценти" оқоли ўлчанади. Бу кўрсаткич тайинланган ўртача миқдорнинг ортиқча иш ҳақиға нисбати билан ўлчанади. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра қоплаш коэффиценти 40% дан кам бўлмаслиги лозим [3].

Бир вақтнинг ўзида амалиётда ушбу ҳолатни аниқлашнинг яна бир бошқа муҳим мезони "боғлиқлик коэффиценти" дан фойдаланилади. Бу коэффицент пенсионерлар сонининг банд бўлган ходимлар сонига нисбати орқали ҳисобланади [4].

Замонавий демографик тенденциялар аҳоли тузилмасида катта ёшлилар улуши ортиб бориши, шунингдек, меҳнат бозоридаги меҳнат шартларининг ўзгариши ижтимоий ҳамкорлар ва давлатлар зиммасига тушувчи ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот ҳажмининг ошишига олиб келиши прогноз қилинмоқда. Лекин, ишлаётган аҳолиға нисбатан пенсиялар юқининг ошиши суғурта тўлови камайиб, нафақа ва хизматлар олаётган қариялар сони ошиб боришини биринчилардан бўлиб бошидан ўтказаетган давлатлар тажрибасидан биламизки, қариш омили бошқа жараёнларға нисбатан ижтимоий харажатларға камроқ таъсир кўрсатади. Пенсия таъминотиға харажатларнинг ортиши, кўп жиҳатдан пенсия тизимининг асосий параметрлари ва тизимнинг етуқлигиға боғлиқ.

Энг катта харажатлар пенсия таъминоти тизимлари йўқотилган даромадларнинг компенсациясига йўналтирилган давлатлар ҳисобига тўғри келади. Қариялар учун кафолатланган даромадлар таъминотиға йўналтирилган схемалар қўлланилса, сарфлар анча камаяди, бироқ шу билан бирға, бунда ҳимоя ва адолат баланси бузилади, йўқотилган меҳнат даромадлари қопланмайди, гарчи ушбу схемалар фуқароларни жамғариш механизмлари орқали билвосита ўз пенсия таъминотлари ҳақида мустақил равишда қайғуришға ундаса- да .

Пенсия ёшини ошириш ва пенсия суғуртасига шахсий қизиқишни ошириш учун турли жамғариш дастурларини жорий этиш нафақат иқтисодий ривожланган давлатлар, балки ўрта ривожланган ёки энди ривожланаётган ҳамда ривожланиши паст даражада бўлган давлатларға ҳам хосдир, аммо ривожланган давлат фуқароларида қарилик даври учун яқка ёки жамоавий жамғармалар қилиш, пенсияға чиқишда ўз дастурларини шакллантириш учун иқтисодий имкониятлар кўпроқ, уларнинг соғлиғи даражаси юқори ва меҳнат фаолиятини давом эттириш учун шароитлари даражаси яхшироқ ва уларда пенсия миқдори ҳам кўпроқ (ҳаттоки меҳнат фаолиятини эрта тугаллаган тақдирда ҳам).

Прогнозларға кўра, умр узайиши соғлиқни сақлашға сарфланувчи харажатларға нисбатан таъсири катта эмас. Бу ўринда ҳал қилувчи омил - барча аҳоли гуруҳларига доир бўлган тиббий хизмат нархи ва унга бўлган талабнинг ошиб боришидир. Қарилик жисмоний функциялар заифлашуви ва касалланишға мойилликнинг ортиши билан тавсифланади, аммо, асосийси, бу ўзгаришларнинг шахснинг кундалиқ ҳаёт фаолиятини олиб боришиға қай даражада таъсир этишидир. Кўп давлатларда фаол тарғиб этилаётган фаол кексалик концепцияси фақатгина кексаларға тааллуқли эмас, у ёшроқ йиллардаги инсон капиталининг тўпланиши ва саломатлиги мавқеининг шаклланиши каби кенг доирадаги муаммоларни ўрганиши билан ҳам аҳамиятлидир.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами .01.05.2023й, О'РQ-837 сон, 46- модда .
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022- йил 28- январдаги "2022-2026- йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон фармони.Қонунчилик маълумотлари миллий базаси , 21-04.2022 й , 06/22/113/0330- сон.
3. Нурмухамедова Б.И. Пенсия тизимидаги ислохотларни давом эттиришнинг зарурлиги ва йўналишлари."Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари " мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий - амалий анжуман: Тезислар тўплами.- Т.:"Иқтисод Молия ", 2019.25- б.
4. Косимова Г, Шолдаров Д (2019) Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти .Дарслик .Т : "Иқтисод - Молия "-Б -68.
5. Хамдамов Ш. "Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда пенсия таъминотининг аҳамияти", "Science and Education" Scientific Journal August 2021/ Volume 2 Issue 8
6. Маматқулова Я.Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини ислох этишда хорижий тажрибаларни қўллаш амалиёти."Logistika va iqtisodiyot .N1.200

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz